



Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотлар қатори атеље ва сартарошхоналар ҳам хусусийлаштирилмоқда. Хусусийлаштиришнинг афзаллик томонларини шу йўсинда ишлаётганлар тулиқ тушуниб етишмоқда.

— Машиий хизмат соҳасининг қай турига қараманг, иш услубини, хизмат маданиятини ўзгартирмася ривожланиш бўлмади. Шунинг учун биз ҳам узаро келишган ҳолда сартарошхонамизни хусусийлаштиришга киришдик. — дейди 16-сартарошхона мудри Надежда Пак. — Шу соҳада ишлаётганимга ун йилдан ошди. Ҳар доим нималардир қилишга, янгиликлар яратишга, муъжизали соч турмакларнинг сирларини ҳақида уйлэйман. Мана шу фикр-уйларимни ҳозирги кунда ишчиларимга тушунтириб, келатган миқозлар билан хушмуомаллада бўлиб, ишларига ёрдам бераман. Беш кишидан иборат бўлган жамоамиз фақат ёшлардан ташкил топган. Бу бир-биримизни тушунишга жуда қўл келмоқда.

Утган йил август ойида сартарошхонамизни хусусийлаштиришга — кенг йўл

### ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

тириб бўлгандан сунг энг аввало иш жойимизни жорий таъмирлашдан чиқариб олдик. Сунгра эса асбоб-ускуналаримизни тулиқ қилиб олгач, ҳақиқий маънода намунали хизмат кўрсатишга киришдик. Орадан ҳеч қандай вақт ўтмади ҳамки, ишимизда бутунлай ўзгаришлар бўла бошлади. Авваллари кун буйи 1-2 та миқознинг сочини олиб ёки турмаклар утирадиган сартарошларнинг бугунги кунда қули-қулига тегмайди. Демак, изланиш ривожланишга, яхши меҳнат қилишга чорлаши куз унгимизда намоён бўлаётди. Эндиликда замонавий асбоб-ускуналар билан ишлабгина қолмай, сартарошлик маъласини ошириш борасида ҳам бош қотираёмиз. Бизларнинг номимизни эшитиб келатган мухассиларга, қария ота-хонларга, уруш катнашчиларига имтиёзли хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйдик.

Келгусида кичик махсус дукон ва сартарошхонамизнинг шохобчасини очиб ниҳатимиз бор. Шунингдек Жанубий Корея ва Германия давлатларининг мухтассислари билан ҳамкорликда иш юритиш умидидамиз. Бундан ташқари сартарошларимизнинг етук мухтассис бўлиб чиқишларига ҳамда Халқаро куриқларда иштирок этиш даражасига етишиш мақсадида изланыёмиз. Бу изланишимиз узимизга ҳам, миқозларга ҳам афзалдир. Хусусийлаштиришнинг энг афзал томони шундан иборат эканки, эркин, уз идрокнинг асосида иш юрита олар экансан. Шунинг учун ҳам айтсалар керакда: «Яхши ниҳат — ярим давлат» деб...

Инобат КОМИЛОВА.



Излаган имкон топар

### ОДАМЛАРГА НАФИ ТЕГАДИ

Ҳозирги кунда нима иш қилмоқчи бўлсангиз ҳам, унинг фойдали томони нимадан иборат экан, деган савол биринчи ўринда туради. Хориждан келтирилган кичик заводлар, ихчам дастгоҳлар қўллаб тадбиркорларнинг таҳсинига сазовор бўлиб, улардан имкон қадар фойдаланилмоқда. Масалан шундоқина шахримиз маркази яқинида «ТЭК ва К» номли кичик корхона бор. Бугунги суҳбатдошимиз шу корхона раҳбари Евгений Трохимовичдир.

— Утган йиллар давомида биз «Илгор» деб аталуви кичик корхона бўлиб иш юритган эдик. Мана яқиндан бошлаб корхонамиз «ТЭК ва К» номи билан ўзгартрилди. Бунинг маъноси «трансэкологиконтинентал ва компания» деган маънони англатиб, ишлаб чиқарётган маҳсулотларимизнинг бирортаси ҳам экологияга зарарли таъсир кўрсатмайди, одамлар вақтини тежаб, иш унумдорлигини оширади.

1991 йил «Алгоритм» за-

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин юртимизда ишбилармонлик кенг қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январидаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги ва бошқа Фармонлари фикримизнинг далилидир.

Президентимизнинг Фармонларини амалга оширишда «Узсаноткурбанк»нинг Тошкент шаҳри бўлими ҳам ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунинг асосида ишлаётган кичик ва хусусий корхоналарни маблағ билан таъминлашда ўз ёрдамини курсатяпти. Айни пайтда бўлим кичик бизнес билан машғул бўлган 6 миңдан зиёд корхонага ҳисоб-китоб кредит хизматини курсатяпти. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча миң доллар келтирсак. Банк «Коратош» масъулияти чекланган жамиятга халқ ҳужалигида жуда зарур бўлган хом ашёни ишлаб чиқарадиган линияни сотиб олиш учун 100 миң сум қарз берди. Бундан қутиладиган натижа йилга 54,5 сумлик соф даромадни ташкил этади.

Бундан ташқари банк «Елена» масъулияти чекланган жамиятга болалар боғини қуриш учун, «Алишер ЛТД» масъулияти чекланган жамиятга эса пойабзал ва махсус материаллар олишда ёрдам курсатди. Бу ёрда шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, «Узсаноткурбанк»нинг Тошкент шаҳар бўли-

Тошкент каноп фабрикасига қўшимча хом ашё олиш, бренд матолари, техник йўналишдаги бошқа маҳсулотларни харид қилиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 500 миң ми қайтариш кафолати, муддатда қайтариш, мақсад юзасидан фойдаланиш, таъминлаш учун тулов кафолатлари бўлган тақдирда кичик бизнес корхо-

### Фармон ва ихро

### ҚАРЗ БЕРИШГА ТАЙЁР

наларига қарз бериб қўллаб-қувватлашга доим тайёр. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савдо нуқталарини рўйхатдан ўтказиш маркази, солиқ инспекцияси вакиллари ҳамда «Узсаноткурбанк»нинг муассасалари томонидан узаро ҳамкорликда банк кассаларига топширилган кирим миқдорини бел-

гилашда катта ишлар амалга оширилди. Маълум бўлишича бир қатор тижорат дуконлари банкка пулни мунтазам равишда топширмаптилар. Қурилган чора-тадбирлар туфайли банк кассаларига кирим топширилиши 2,5 баробар ошишига эришилди.

Умуман иқтисодий ислохотларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк оқори самарали лойиҳаларга кредит қумагини курсатиш, мулкчилик шаклини ўзгартирган корхоналарнинг ҳаракатлари учун қарз бериш, ўз вақтида қайтариш кафолатланган тақдирда қарз беришга тайёр.

Ғулум ЮСУПОВ.

## ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРИ

ди, яъни дон маҳсулотларини майдалайди, ўт-уланларни қирқади, пичоқни чархлайди, темирни теша олади, сутнинг қаймоғини олиб беради. Ана курдингизми, бу дастгоҳ қиллоқ жойларда истиқомат қилаётган оилавий фермерлар учун жуда зарур, албатта. Ёки бўлмаса макорон ишлаб чиқарадиган ва куритадиган машина термасини олиб қурайлик. У 16 турдаги макорон маҳсулотини ишлаб чиқариш имкониятига эга. Ҳзи их-

бизга осон бўлмайпти. Лекин «Куз қурқоқ-қул ботир» дейдилар. Изланган одам ҳамма нарсадан урдасидан чиқар экан. Шундай ажайиб ҳамкасбларим борки, уларнинг ҳар бир таклифи ва мулоҳазалари бебаҳо. Анвар Ширинович, бригадирларимдан Козимжон Илҳомов, Вади Кравченколар энг оддий нарсадан олий сифатдаги маҳсулот яратиб бера олишади. Биз шундай имкониятга эгамики, у ҳам бўлса металлни қайта эрита оламиз. Шунинг учун ҳам чиқитсиз маҳсулот тайёрлаймиз. Мана шундай самарали меҳнатларимиз эвазига ҳар ойда 2 миллион сумлик маҳсулот ишлаб чиқараямиз. Ишчиларимизнинг энг илғори 4 миң сумгача маош олмақда. Тўғри, ишлаб чиқаратган дастгоҳларимиз ҳали чет элдан келтирилган дастгоҳларга ўхшамаслиги мумкин. Аммо уч-тўрт баравар қимматига олгандан кура ўзимизда ишлаб чиқарилганини мукамаллаштирсак яхши эмасми? Бунинг учун шахримизда, қолаверса республикамизда тулиқ имкониятлар бор.

— Келажакда қандай янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштираёсизлар?

— Энг аввало кам бўлса ҳам маҳсулотларнинг сифатли бўлишига эътиборни қаратяёмиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Режамизда шундай битта дастгоҳ тайёрламоқчимизки, унда қийма, ҳамир тайёрланиб чўчара чиқарадиган бўлсин, қўшимча қолбаса ҳам. Шунингдек автомашиналар учун кондиционер, музқаймоқ тайёрлайдиган ускуналар ишлаб чиқаришни мулжаллаёмиз. Яна бир эзгу мақсадимиз мавжуд дастгоҳларни замонавий усулдаги қадоклаш дастгоҳларига айлантириб, сунгги моделдаги кичик заводлар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

Ҳозирги кунгача тайёрлаган маҳсулотларимиздан айниқса макорон ишлаб чиқарадиган ва куритадиган машина термасидан сотиб олиш учун Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия Федерациясининг бир неча шаҳарлари билан шартнома туздик. Ишончимиз комилки, ихчам, арзон ва қўлай бўлган бу кичик дастгоҳларимиз ҳаммага эгади.

Суҳбатдош Гулзода АБДУЛЛА қиз.

СУРАТЛАРДА: «ТЭК ва К» кичик корхонаси фаолиятдан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Тадбиркорлик билан иш юритаётган ишлаб чиқариш фирмалардан бири «ФарБиоГал»дир. Бу фирмага Галина Бобожонова бошчилик қилади, улар асосан чинни буюмларга безак бериб, сополдан ёлғорлик буюмлари тайёрлашади. Тайёрланган халқ истеъмоли буюмлари секин-аста қўлайиб бормоқда. Шунингдек улар биологик усулда ранг тайёрлаш имкониятига ҳам эгадирлар. Масалан жуда зарур бўлган «Лигмет»ни тайёрлашни кенг йўлга қўйишди. Бу маҳсулот қуримшида, пластмасса, тери, чинни, керамика, сопол ва автомобиль кракрасини ишлатишда қўлайли муамли. Уни металл чинидисидан тайёрлашади. Бунинг учун Ўзбекистон или ва техника қўмитаси фирма аъзоларига яқиндан беришмоқда.

СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Тамара Фролова ва безовчи Елена Мальцевалар тайёр маҳсулотларни қуздан кенчиришмоқда; уста Александр Ловчиков «Дорачи» ёлғорлигини безамоқда.

Шахримизда тадбиркорлик фаолиятини бошлаган «Наргизабону» кичик корхонаси бугунги кунга келиб, аввалгиларидан ҳам муҳим бўлган ишларни амалга оширишга киришди. Кичик корхона ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад, республикамизда ноёб бўлган идора товарларини ишлаб чиқариш эди.

— Ўзбекистонда идора маҳсулотлари умуман ишлаб чиқарилмайди, — дейди «Наргизабону» кичик корхонаси директори Бахтиёр Ғиёсов. — «Ўзбекқоғоз» ҳиссадорлик жамияти билан «Шарқ» нарийёт-матбаа концерни эса фақат қоғоздан тайёрланадиган ўқув қуроллари тайёрлайди, холос. Асосий идора маҳсулотлари Россиядан, Белоруссиядан, Украинадан ва шунга ўхшаш бошқа республикалардан келтирилади. Уларнинг ҳам республикамизга етиб келиши анча қимматга тушади. Ана шу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида

### Кичик корхоналар фаолиятдан «НАРГИЗАБОНУ»НИНГ ИДОРАВИЙ МАҲСУЛОТЛАРИ

корхонамиз ишини аввал республикага мазкур маҳсулотларни келтиришдан бошладик. Мана ҳозирги кунда Россия, Беларусь, Украина, Америка, Англия каби давлатларнинг тадбиркорлари билан ҳамкорликда иш тутиб, шахримиз дуконларига идора маҳсулотларини етказиб бераёмиз. Шу жумладан, «Бешёғоч» супермаркетда ҳамда метронинг Собир Раҳимов бекатида фирма дуконларимизни очганмиз.

— Дуконларингизда қандай маҳсулотлар бор?

— Япониянинг таниқли «Ситизен», «Корейс», «Акай», «Жимекс», «Эпсон» каби фирмаларининг маҳсулотлари, Америка ва Англия товарлари ва бошқа республикаларнинг ўқув қуроллари мавжуд, — дейди Б. Ғиёсов гапида давом этиб. — Бугунги кунда халқимизнинг кундалик истеъмоли маҳсулотлари бўлмиш ёзув машинасида қўлланиладиган штрихлар (ҳарф учирадиган қоғозлар) сифатли ленталари, ҳар хил чизгичлар, учиргичлар, циркуларлар, сийҳлар, ёзув қоғозлари, нусха кўчириш қоғозлари, қаламочиклар, қоғозтикчиқлар тақвимлар, оддий елимлар ва турли хил рўчалар бор. Бу маҳсулотлар билан кифояланмасдан, яна чет эллардан қўллаб турли хил моллар олиб келиш ҳаракатидаммиз.

— Яқинда қўшма корхона очган экансизлар...

— Республикамиздаги ички имкониятларни, қўлайлик ва афзалликларни ўрганган ҳолда, покстонлик шерикларимиз билан баҳамжихатликда «Ас Софи» қўшма корхонасига асос солидик. Бу қўшма корхонада ҳозирча идора товарларининг баъзи бир турларини ишлаб чиқармоқчимиз. Шу жумладан, рўчалар, автоқаламлар, турли ҳажмдаги чизгичлар ва ҳоказолар. Хом ашёнинг асосий қисмини республикамиз ресурслари: пахта, гузалопа, ўрмон ҳужалиги ёғочлари, мрамар, қола-

верса «Совпластитал»нинг пластмасса маҳсулотларидан фойдаланишни қузда тутганмиз. Покистон эса ўз навбатида идора товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган технология билан иштирок этади.

Яна бир гап. Бозор иқтисодиёти муносабати билан ёшларга қўлай бўлармикан, деган ўйда қўшма корхонамиз бўлимлари, яъни кичик цехларини мактабларда ҳам очиб ниҳатимиз бор. (Бу цехларда ўқувчилар ишлашади, ўқидан бош пайтларида). Мактаб ўқувчиларига яна енгилликлар яратиш ниҳатида мактабларда ихчамгина дукончалар ҳам очмоқчимиз. Хозир шу масала хусусида Чилонзор туманидаги 128- ва 173-мактаблар билан музокаралар олиб бораёмиз. Бундай таклифлар бошқа мактаблардан ҳам тушяпти. Чилонзор тумани ҳокимлигидаги раҳбарлар ҳам бу таклифларимизни қўллаб-қувватлашмоқда. Шунда ота-оналар фарзандлари учун ўқув қуролларини дуконлардан изламасдан, мактаблардан харид қилаверадилар. Ўқувчилар битта рўчка учун вақтини исроф қилмайди. Дукончикдан арзон булади. Бундан қуздан савобли ўмушларимиз ҳам йўқ эмас. Мактаб дуконларидан топилган даромад ҳисобидан шаҳардаги болалар ўйида тарбияланувчи ўғил-қизларнинг ўқув қуролларига булган талаб ва эҳтиёжларини йил давомида қондирмоқчимиз.

— Келажакда яна қандай тадбирлар қузда тутилган?

— Қўшма корхоналар сонини қўпайтиришимиз, бора-бора ривожланган мамлакатлардан келтирилатган идора товарларининг 500 дан ортиқ турини ўзимизда ишлаб чиқармоқчимиз. Аслида бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун катта-катта, йирик корхоналар қуриш шарт эмас, уларнинг ҳаммасини кичик, айни чоғда унчалик оғир бўлмаган дастгоҳларда яратиш мумкин. Компьютерчилик майдонларни эгаллайди. Бизни ҳозир купрок Франция, Англиядаги тадбиркорлар билан қўшма корхоналар тузиш режалари қизиқтирмоқда. Уларнинг биздаги маҳсулотларига талаб катта.

— Корхонамиздаги маҳсулотларнинг истеъмоли хусусида нималар дея оласиз?

— Идоравий маҳсулотлар ҳаммага керак. Бизнинг доимий миқозларимизга айланган ташкилот, муассаса ва корхоналар ҳам қўл. Улар жумласига алоҳда вазириликка қарашли тармоқ ташкилотлар, университет ва институтлар, метрополитен ва метроқурилиш корхоналари ва бошқаларни киритиш мумкин. Булардан ташқари республикамизнинг турли бурчакларидан — Самарқанд, Жиззах, Андижон, Наманган ҳатто Қорақалпоғистондан ҳам миқозлар келиб туришибди. Сабаби, маҳсулотларимиз бошқа дукон ёки фирмаларникига қараганда бирмунча арзон.

Қўшма корхоналаримиз тула қувват билан ишлаш бошласа, ҳар ҳолда четдан келтиришга кетган сарф-ҳаражатлар иқтисоди қилиниб, маҳсулотлар таннархи ҳам арзонлашади. Ишимиз самараси яхши бўлса, Чилонзор туманини таъминлайдиган маҳсулотимиз ҳажмини янада қўпайтириб, Тошкент шаҳрини, кейин эса бутун республикани идоравий маҳсулотлар билан тула таъминлашга ўтамиз.

Зойр ЗИЕ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликка таъаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони бошқалар сингари шахримизнинг кенжа тумани аҳли — бектемирликлар фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу кунгача мавжуд бўлган 500 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларда бозор иқтисодиёти шароитига қараб иш тутилмоқда. Қувонарлиси шундаки тадбиркорлик билан иш юритаётган ишбилармонларнинг сафи ортиб хусусий, қўшма ва яқка тартибда иш юритаётган кичик корхоналар вужудга келмоқда. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли корхоналарни рўйхатга олиш ва савдога рухсат бериш бўлими бошлиғи Абдухалил Набиев мухбиримизга қуйидагиларни гапирди:

— Инсон аввало тадбиркорлик нима эканлигини ўзи тушуниб етмоғи керак, — деб сўз бошлади Абдухалил ака. — Ана шундан кейингина бу борада иш қилишга киришиш керак. Туманимизда ҳозирги кунгача, яъни йил бошидан бунён 54 та кичик ва хусусий корхоналар рўйхатдан ўтказилиб, асосан ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятларини бошлашди. Яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланувчиларнинг сони эса 684 тага ет-

Бозор иқтисодиёти чорраҳаларида

### ЯККА ТАРТИБДА


ди. Ундан зиёд қўшма корхона мавжуд.

Айрим кичик корхоналарда меҳнат қилаётган тадбиркорлар ишни яхши ташкил этиш учун узаро ҳамкорлик асосида иш юритишмоқда. Масалан, Марказий оғир махсус таъмирлаш ишлаб чиқариш бирламасидаги (ДБСРП) уч кичик корхонани олиб қурайлик. Уларнинг бири жуда мураккаб усулда таркиб топган электротехника, электроника, компьютерларга зарур бўладиган мосламалар ҳамда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарса, иккинчиси юқори қуватли насосларни таъмирлайди. Яна бири қиллоқ ҳужалигида ишлатилмадиган симли турларни ҳамда эшик-ромларни тайёрлашдан ташқари аҳоли бюртмаси асосида ва корхонага қарашли бўлган барча қурилиш ишларини бажаради. Уларнинг номлари «Темп» илмий-ишлаб чиқариш ва «Эксто» кичик корхоналари ҳамда «Лол» масъулияти чекланган жамиятлардан иборатдир. Бу жамоаларнинг ҳар бирида 30-40 тадан иши меҳнат қилиб, бош корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига ўз ҳиссаларини қўшибмоқда. Айниқса «Темп» илмий-ишлаб чиқариш кичик корхонасиде яратилган халқ истеъмоли буюмлари сифатлиги, харидорнинг сифатлиги билан ажралиб туради.

Туманимизда булардан ташқари бошқа соҳалар бўйича ҳам тадбиркорлик билан иш юритаётган кичик корхоналар жуда қўп. Масъулияти чекланган «Аренталь» фирмаси ўз зиммасига туман маҳаллари гузарларини тез кунда ва сифатли қилиб қуриб бериш ишорини билан меҳнат қилишмоқда. «Фарход ЮТА» эса электр машиш жиҳозларни таъмирдан чиқаради. Шу ўринда маҳалла оқсоқолларининг тадбиркорликлари ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. «Мажнунтол» маҳалласининг оқсоқоли Жаъфар Зокиров ажайиб инсон эканлигини курсатяпти. У киши маҳалла гузарини бунёд этишга бош-қош бўлиш билан бирга тошлоқ ерларни хашар йули билан обод қилиб, мева-сабзавотлар эктириб, боғлар барпо этмоқда. У экан узум, олма, урилари келгуси йилларда ҳосил бери қолса ҳам, аммо картошка, пивз, сабзи, бодиринг ва қарамақчи яқин кунларда маҳалла аҳли, кам таъминланган оилалар, болалар боғчалари ва мактаблардаги фарзандларимиз баҳам қуриш аниқ.

Туманимиз бошқалар сингари ҳозирги кун талаби асосида иш юритиб, бозор иқтисодиётининг ўтиш даврида яратилган барча имкониятлардан фойдаланмоқда, республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Гулнора МАЖИДОВА.





Мустақил Ўзбекистон пойтахти Тошкент бугунги кунда Марказий Осиёдаги иқтисодий, ҳужалик, ижтимоий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган катта шаҳар. Бу ерда 2,2 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг ярмидан кўпроги усмирлар ва болалардир.

Шаҳар ҳужалигининг янада тараққий этиши ҳар бир инсоннинг катта ҳисмоний ва маънавий кучга эга бўлишидан ташқари унинг чуқур билим ва малакага эга бўлиши кераклигини ҳам таъқозо этади. Бу борада кечиктириб бўлмайдиган, ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири шаҳар аҳолисидир, биринчи навбатда болаларнинг йул-транспорт ҳаракатидан хавфсизлигини таъминлашни ҳал этишдир.

Кўпчиликка маълумки, энг оддий йул ҳаракати қоидаларини билмаслик ёки унга амал қилмаслик оқсидида йул-транспорт фалокатлари юз беради. Бундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун энг кичик ёшдан кучада ўзини қандай тутиш қоидаларига ургатадиган уқитишнинг аниқ тизимига эга бўлмақ даркор.

**Харакат хавфсизлиги учун  
Кўп соҳали янги  
ДАСТУР**

Йул-транспорт жараҳатларининг олдини олиш буйича амалий чоралар куриш, одамларда ўз ҳаётларининг хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини шакллантириш умуммиллий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси «Қадимий аъналардан бугунги қадриятларгача» деб аталувчи кўп соҳали, узоқ муддатга мулжалланган дастур ишлаб чиқди.

Мулжалланган дастурни амалга оширишдаги вазифалардан бири Марказий болалар автошаҳарчасини куриш ва ишта туширишдир. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли фармойиши бор. Шунингдек, Республика ва Тошкент шаҳар ўқув юртлиари ва мактабдан ташқари муассасалар, маҳаллалар, оммавий дам олиш масканлари учун митти автошаҳарлар замонавий лойиҳалари ишланмалари ҳам мавжуд.

Дастурни уқитиш учун турли зарур ўқув ва кургзамали қуроллар тайёрлаш ва нашр этиш, улар турли ёшдаги болалар учун кўчаларда ўзларини қандай тутиш кўникмаларини шакллантиришга тегишли йуналишга эга бўлган кин, видео, фото ва бошқа махсулотларни яратиш ва тарғиб қилишга мулжалланган бўлиши зарур.

Йул-транспорт ҳодисалари натижасида жараҳат олиб, ногирон бўлган болалар, ижтимоий ва меҳнат қобилиятини тиклаш тиббий, руҳий усулларини ишлаб чиқиш ва узлаштириш, болалар ва усмирларда турги дунёқарашини шакллантириш, шунингдек, кераклик билим ва махсус кўникмаларини ҳосил қилиш учун фахрийлар, оқсоқлар, ижодий ходимлар ва жоматчилик вакиллари тулган тажрибани ургатиш, умумлаштириш ва ёйиш даркор.

Дастурнинг катта ижтимоий аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб, унинг «Соғлом авлод учун» давлат дастури вазифаларига мослиги болалар соғлигини мустаҳкамлаш ва сақлаш ҳақида гапларликка қаратилганлигини ҳисобга олиб Давлат автомобиль назорати бошқармаси, «Автошаҳар» дастури ва бирлашмаси кенгаши уни бажаришга ҳисса қўлишига аҳолини давбат этади. Бу эса давлат ҳўжалиги, шиклиб чиқариш, тижорат ва бошқа тизимлар, шунингдек турли вазирлик ва идораларга амалий ёрдам булади.

Нуриддин ХўЖАЕВ,  
Мунира МИРЗАЕВА.



Ёшнинг иссиқ кўнлари фавворалар атрофи борлигининг энг роҳатбахш гушасидир.  
Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.

Денгиз, дарё, кўл ва қудуқлар катта-кичиклиги, сувининг ранги, шўрлиги, тозаллиги, чуқурлигига қараб турлича номланган. Суви тиник ва тоза бўлса — Ойнакўл, Ойнабулоқ, чуқур ва тиник бўлса — Кўксўв, қордан бошланган сувлар — Оқсув, лойқароғи — Айронқул, Сарисув дейилган. Хитойдаги Хуанхэ — «Сарғишдарё» дегани.

Чуқур ва шўх дарёлар қизил сузи билан ифодаланган. Масалан, Сурхоб дарёси Амударёнинг ирмоғи бўлиб, Тожикистоннинг жанубидан оқиб ўтади. Тожикича сурих — «қизил», об-сув» дегани. Маҳаллий қирғиз ва ўзбек аҳолиси бу дарёнинг ушб қисмини Қизилсув деб юрлатади. Колорадо дарёси эса АҚШда жойлашган. Испанча «қизил» сузидан олинган бўлиб, суви лойқа, олгиранг тусда ва тез оқибдан билан бошқа дарёлардан фарқланади.

**Биласизми?  
РАНГ  
КўР —  
ҲОЛ СўР**

дан дарак беради.  
Шифобахш ва минерал сувлар — Иссиқсув, Обгарим, Обирахмат, Қўтирбулоқ, Минводи, Арашан.  
Терс, Терсоқар номли сойлар бор. Булар асосий дарёнинг оқим йўналишига тегадари, терс ҳолатда бўлганлидан шундай ном олган.  
Ҳатто катта-катта денгизлар ҳам хусусиятига кура турлича номланган. Шунини айтсалар керак: «Ранг кўр, ҳол сўр» — деб. Масалан:  
Оқ денгиз — Европа қитъасининг шимолида жойлашган бўлиб, Шимолий муз океанидаги

денгиз. Денгиз йил давомида икки юз кун оқпоқ муз билан қопланган бўлади. Шунинг учун оқ денгиз деб аталган дейишади. Бироқ қадимий славянлар ҳаритада унинг шимол томонини оқ ва жануб томонини куқ ранг билан тасвирлаганини эътиборга олак, оқ денгиз — «Шимолий денгиз» маъносини билдиради.  
Сарик денгиз — Осиё қитъасидаги Хитойнинг шарқидидаги денгиз. Дарё оқиб келтирган соғутурак, яъни лойқа сувининг рангига нисбат тарзида аталган.  
Улик денгиз — Фарбий Осиёда жойлашган денгиз. Суви жуда шўр бўлганлигидан унда ҳаёт йўқ; шу сабабдан «ҳаётсиз», «жониворсиз» денгиз деб аталган.

Қора денгиз — Европа ва Осиё қитъалари чегарасидидаги денгиз. Жанубий халқлар томонидан берилган бу ном «Суви қорамтир» деган маънони билдиради. Дастрлабки форсча номи Ахосна («қорамтир»); бу суз грекчага — эвксини, арабчага — авсод, русчага — черқок, туркчага — кара деб таржима қилинган. Бироқ қора сузининг «шимол», «қоронғулик» «салқин» маънолари ҳам бор. Демак, «Шимолидаги денгиз» деб ҳам тушуши мумкин.  
Оқила РАИМОВА тайёрлаган.

Шаҳримиздаги 102-махсус мактаб-интернатда ташкил этилган болалар оркестри ўзининг катта концерт дастурини тайёрлаб музика шинавандларига ҳавола этдилар. Даста ўз фаолияти давомида ўзбек, рус классик ҳамда чет эл композиторларининг рангбаранг асарларини урганиб бир неча бор ўз дастурлари билан томошабинлар олқийшини қозонганлар. «Санъат байрами», «Навруз», «Еш музикачилар», «Истеъдод» каби кўп-кўп танловларда шитирок этиб нуфузли уринларини куп марта эгаллашга муяссар бўлганлар. Бугунги кун

**Санъат  
оламида  
БОЛАЛАР  
МУСИҚА  
ЧАЛГАНДА**

да даста шахримиз маданият масканларида, катта байрам тантаналарида ҳам ранг-баранг дастурлари билан иштирок этиб келмоқдалар.  
Кечага таширф буюрган музика шайдолари болалар оркестрини совғалар билан муборакбод этдилар. Республика «Экосан» жамгармаси, «Ишонч, умид, муҳаббат» фирмаси, «Ал-Маширак», «Тошўқмачи» ҳиссадорлик жамяти, «Оқил ЛТД» фирмаси ва бошқа кўплаб ташкилотлар қимматбаҳо совғаларини тақдим этдилар. Айниқса, Максим Горький номидаги рус академик театрининг «Барча юдузлар» спектаклига, «Хамар» халқаро кургазмалар марказига ёш музикачиларнинг таклифи этилиши уларнинг санъатига берилган юксак баҳолардан бири бўлди. Шунингдек таширф буюрган чет эл элчионаларининг ходимлари ҳам ўз совғаларини тақдим этиб, ёш истеъдод эгаларига катта ишонч билдирдилар.  
Санобар ҚОДИРОВА.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ  
ВА БИЎДИРУВЛАР**

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ  
АБОНЕНТЛАРИ ВА БЕКТЕМИР  
ТУМАНИДАГИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!  
1995 йил июнь ойининг биринчи ўн  
кунлигида  
ЯНГИБОД ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ  
ТАРМОҒИ**

Бектемир туман АТСини шаҳар телефон тармоғига улаш бўйича иш олиб боради. Иш жараёнида телефон абонентларининг номерлари  
**КЎЙИДАГИ ТАРТИБДА ЎЗГАРАДИ:**  
21000-21999 номерлари 925000-925999га,  
22000-22999 номерлари 926000-926999га,  
23000-23999 номерлари 927000-927999га,  
31000-31999 номерлари 928000-928999га,  
61000-61999 номерлари 929000-92999га,  
Бектемир тумани доирасида алоқа биринчи 9 рақамсиз бешта рақамли номер бўйича амалга оширилади, яъни 925000 номери 25000 бўлади.  
Бектемир туманидаги абонентлар шаҳарга чиқиш учун «5» рақамли терадилар ва станциянинг жавобини олган (гудок) шаҳардаги зарур номер терилади.  
Автоматик шаҳарлараро алоқа учун «8» рақамини терадилар ва станциянинг жавобини олган (гудок), зарур шаҳар коди ва телефон номерини терадилар.  
Шаҳарлараро телефон алоқаси Бектемир туманидаги абонентнинг олти рақамли номерини териш билан амалга оширилади.  
Агар телефон ишламай қолса, абонент ЦАБР (таъмирловчи марказий абонентлик бюроси)га қуйидагича талабнома берадилар: «5» рақамини териш станция жавоби олингач «08»ни терадилар ва станциянинг иккинчи жавобини (гудок) олган ишламаётган телефоннинг олти рақамли номери терилади.  
Иш жараёнида телефон алоқаси сифати ёмонлашуви мумкин.

**Маълумот учун телефон 90-37-11.  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА  
РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
БИРЛАШМАСИ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪБИМИ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР Х. З. КАЛОНОВ НОМЛИ ОПИЙ  
ХўНАР БИЛИМ ЮРТИ  
ЯНГИ ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР (ЯИТ)  
ЖУМЛАДАН:**

- КОМПЬЮТЕР ОПЕРАТОРИ,
  - ТЕХНИК-ПРОГРАММИСТ,
  - ИНФОРМАТИКА КАБИНЕТИ МУДИРИ,
  - ПРОГРАММИСТ-МУХАНДИС,
  - БОШҚАРУВНИ ҲўЖАТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ (БХТ) жумладан:
  - КОТИБА-МАШИНИСТКА,
  - ИШ ЮРИТУВЧИ,
  - КОТИБА-СТЕНОГРАФИСТКА,
  - КОТИБА-РЕФЕРЕНТ,
  - КАДРЛАР БУЛИМИНИНГ ХОДИМИ
  - соҳалари бўйича хунар олишни истаган барча ўрта таълим олган ўқувчиларни
- ТАКЛИФ ЭТАДИ**  
Олий хунар билим юртининг бош принципи — улуқсиз хунар олиш тизимига асосланган ҳар йилги олинган мутахассислик — ўз билими ва кучини халқ ҳўжалигида синаш учун имконият яратади.  
Ҳар бир йил — бу таълимнинг кейинги юқори босқичлари бўйича танловда катнашиш демакдир.  
Олий хунар билим юрти ўз ўқувчи ва талабаларига ЯИТ ва БХТ соҳалари бўйича бир неча, яъни ишидан тортиб муҳандисгача бўлган касбларни эгаллашга имконият яратади.  
Ўқиш муддати: 1 ЙИЛДАН 5 ЙИЛГАЧА.  
ЎҚИШГА 11 ЙИЛЛИК УРТА МАКТАБНИ БИТИРГАН, ТОШКЕНТДА ИСТИКОМАТ РўЙХАТИДА ТУРГАН ШАХСЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.  
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.  
ОЛИЙ ХўНАР БИЛИМ ЮРТИГА КИРИШ ТАЛЛОВИ 3 БОСҚИЧДА УТҚАЗИЛАДИ:  
1 БОСҚИЧ — ФАҢЛАР БУЙИЧА ТЕСТ,  
ЯИТ — ЭҲМДа математика,  
2 БОСҚИЧ — ЭҲМДа логик тест,  
3 БОСҚИЧ — психологик, педагогик тест.  
Консултатив машғулотлар 1 августдан 10 августгача утқазилади.  
ОЛИЙ ХўНАР БИЛИМ ЮРТИГА КИРИШ МЕЗОНИ БАРЧА БОСҚИЧЛАРДА УТҚАЗИЛАДигАН ЯҚУНЛАР РЕЙТИНГИ БИЛАН БЕЛЛИЛАНАДИ.  
ҲўЖАТЛАР 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
Билинг манзил: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 45 (автобуслар: 10, 85, 88—Семашко номли илмий текширув институти бекати).  
Маълумот учун телефонлар: 34-24-18, 34-55-73.

**ФУТБОЛ ФУТБОЛ ФУТБОЛ ФУТБОЛ**

Ҳақиқатан ҳам баҳор фаслининг сунги палласи — май ойи юртимиз футбол мухлисларига қатор аjoyиб совғалар инъом этди. Энг аввало, Ёшларимиз — турли йилларда тугилган усмирларимиз Марказий Осиё давлатлари халқаро турнирида барча гуруҳлар бўйича зафар кучишганини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз лозим.  
14-15 йилли усмирларимиз В. Лошеченин, И. Тошмухаммедов, П. Саркисян раҳбарлиги остида Тожикистон-

лар билан янада кўпроқ шугулланмоғимиз лозим.  
Юртимизда утган ойда рўй берган яна бир муҳим воқеалардан бири бу «Футуро» халқаро семинаридир. Қибрай ўқув-машғулот масканида беш кун давом этган «Футуро» семинар-кенгаши жараёнида юртимизнинг 80 га яқин футбол мутахассислари ўз малакаларини оширишди. Семинарнинг ФИФА ва ОФК вакиллари — Ж. Жозеф, Г. Синх (Малайзия), Т. Кесей (Уэльс), С. Баласубраммия (Синга-

**ЖАҲОН СТАДИОНЛАРИДА**

- Парижнинг «Пари Сен-Жермен» жамоаси мамлакат кубоги соҳиб бўлди. «ПСЖ» финалда «Страсбург»ни 1:0 ҳисобида маглубитта утратди. Учрашувни томоша қилиш учун собиқ Президент Франсуа Миттеран ва Франциянинг янги Президенти Жак Шираклар таширф буюришди.
- Италия чемпионатида навбатдаги турдан сунг «Ювентус» (Турин) мuddатида олдин 25-марта мамлакат чемпионлиги деган номга сазовор бўлди. Туринликлар бу турда асосий таъкибчилари «Парма»ни 4:0 ҳисобида маглубитта утратти. «Лацио» ўз майдонида «Сампдоррия»ни юттак (1:0), учинчи ўринга кутарилиб олди. «Фиорентина» — «Торино» учрашувига дарвозаларга 9(1) тул киритилди — 6:3.
- «Парма» жамоаси сунги икки ҳафтада «Ювентус» билан уч бор куч синашди. Шулларнинг икитаси УЕФА кубогининг финал уйинлари эди. Дастрлабки учрашувда 1:0 галабо қозонганди. Такрорий уйида дуранг натижа қайд этилди. Икки уйин натижасига кура «Парма» УЕФА кубоги соҳиб бўлди.
- Кубок эгалари кубоги эса Испаниянинг «Сарагоса» жамоасига насиб этди. «Сарагоса» финалда Англиянинг «Арсенал» жамоасини 2:1 ҳисобида енғди.
- Испания чемпионатида «Реал» (Мадрид) карвонбошилиқ қилмоқда. «Депортива», «Бетис» ва «Барселона» жамоалари совриндор уринларга даъвогарлик қилишмоқда.
- Греция чемпионати «Панатинайкос» жамоасининг галабаси билан тугади. Улар мавсум давомида 77 очко жамғаришиб, яқин таъкибчиларини анча ортада қолдириб кеттишди.
- Голландия чемпионати яқунлигини ҳисобга олганда совриндор жамоалар аниқ бўлди: чемпион — «Аякс», кумуш медал соҳибини «Рода», бронза — ПСВ «Эйндховен»да.

Озод ЮСУПОВ тайёрлади.

**МУВАФФАҚИЯТЛАР  
ОЙИ БЎЛДИ**

нинг Хужанд шаҳридан, А. Азизхўжаев, Ю. Господарчук мураббийлик қилган 16 йшли усмирларимиз Қозоғистоннинг Қоратоу шаҳридан бош соврин билан қайтишди. Бир ҳафта катта футбол билан яшаган пойтахтлик ишқибозлар эса 17 йшли терма жамоамизнинг маҳоратини таъкидлашди. Бу ёшдаги йигитларимизни халқаро турнирга таникли мураббийларимиздан Виктор Суюнов ҳамда Баҳодир Тошмухаммедов тайёрлашганди. Улар барча рақибларни йирик ҳисобда маглубитта учратишиб, нималарга қодир эканликларини яна бир бор исботлашди.  
Ва ниҳоят Марказий Осиё давлатлари халқаро турнирининг сунги босқичи ҳам ҳамюртларимиз фойдасига ҳал бўлди. Сайфулла Эрматов ҳамда Игорь Ванченко шогирдлари (12-13 йшлилар) Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳридан ёруғ юз билан қайтишди. Умуман, бу галабаларимиз ўринбосарларимизнинг тенгуқрлари ичиди тенгсиз эканлигидан далолат бериб турган бўлсада, вақтинчалик ютуқлардан ҳаволалиб кетмаслигимиз, балки уларни янада такомиллаштиришимиз, бола-

мурлар олиб боришди ва унинг сунггида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерациялари масъул ходимлари, мураббийлар, ҳақим ва ҳақамларга тегишли сертификат, нишонлар топширилди.  
Энг муҳими барчанинг диққат марказида турган Олимпиада саралаш учрашувининг дастрлабки ўйини ҳам ватандошларимиз устунлигида утди.

Маълумки, олимпиада терма жамоамиз миллий чемпионатимизнинг дастрлабки йиллида ташкил топган бўлиб, шу давр ичиди йигирмадан ортиқ катта-кичик халқаро турнирларда уртоқлик учрашувларида иштирок этди. Уч йил давомида командада 50 дан ортиқ номзодлар қайд этилди. Бу йил мавсум бошидан бери утқазилган уч ўқув-машғулот йиғини натижасига кура терма жамоа раҳбарлари Мирзохўд Гуломов ҳамда Виктор Михайловлар Бишкек шаҳрига Олимпиада саралаш уйинларининг илк учрашувига борувчи 20 нафар футболчини аниқладди.  
Қирғизистон сафарини олдидан терма жамоамиз Қибрай ўқув-машғулот

**ОРТДА ҚОЛДИРДИ**

Халқаро футбол федерацияси — ФИФАни купинча «Осмонда кўеб ботмайдиган салтанат» дея таърифлашади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ФИФА аъзоларининг сони 170 тага боради. Айниқса, 1989 йили футбол салтанатига аъзо бўлган янги мамлакат — Фаррер ороллари футболчилари жуда катта шов-шувга сабабчи бўлганларди. Гап шундаки, илгари ҳеч қаерда номи тилга олинмаган ушбу давлатнинг футболчилари бирин-кетин Оврўпонинг бир неча энг номдор командаларини енғиб, салтанатга «ёриб» кирган эдилар. Энг қизиқи, бу кичкина оролларида бирорта ҳам тузукроқ стадион йўқлигини ҳисобга олганда, лол қолмай иложининг йўқ. Шунга айтсалар керак-да, «қурашчи майдон танламайди», деб!

**БЕШ ЙИЛ ДАХЛСИЗ САҚЛАДИ**

Шотландиянинг «Глазго Рейнджерс» командасида 1867 йилдан то 1875 йилгача Жек Грант исмли киши дарвозабон бўлган эди. О, бу дарвозабонг ҳудонинг назари тушган эди! Тарихда ҳали ҳеч ким ундан узиб кета олгани йўқ. Узининг ўйлаб кўринг, беш йил давомида у бирорта ҳам тўп утқазмаган. 41 марта 11 метрли жарима тупларни қайтарган. Яна шундай дарвозабон тугилармикин?

**«Фойдали иш курсаткичи»**

Аниқлаштиришча, дунё тоифасидаги футболчи бир уйин давомида ун километрдан кам юғурмас экан. Қизиғи шундаки, шу масофанинг атиги 200 метрида у тупни бошқараркан, холос. Мана шундай «фойдали иш курсаткичи» эга бўлган даигатель бўлганлида, у амалда умуман кулланилмаган бўларди.

**ДУНЁДА ЯҒОНА**

Англиянинг Хитчин шаҳарчасида ҳозирча дунёда яғона бўлган махсус футбол музейи ишлаб турибди. Унинг энг кўна қургазма ва ҳўжатлари ичиди XVII асрда Лондон кўчаларида бўлиб утган футбол уйинлари, уларда қимсан-қол Оливер Кромвель ҳам қатнашганлиги ҳақида маълумотлар бор.  
Лекин шу нарса аниқки, унинг боши танидан жудо қилинишига факат бу нарса сабабчи эмас.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ.

**ТАШКИЛОТ**

канцелярия моллари, телефон аппаратлари, 386, 486 ДХ компьютерлари, «Citizen» калькуляторлари ва бизнес папкалар, холоидильниклар, «Canon»-1215, 300, 320, 330 ксерокслари, 1 гр— 4-5 умумий фойдаланиш учун симлар, ВР 1 и 5-млли симлар, пахта учун бандхаллар, 20x20, 45x45, 65x65 рабица түрлари, 25x25, 32x32, 36x36, 45x45, 50x50 угулоклар, михлар, ЛБ-40 лампалари, стартерларни

**СОТАДИ**

Манзилгоҳ: Халқлар дўстлиги кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 79-47-74, 72-98-17.

«Ўзурилишбўғсаноат» Бош бошқарма жамоаси шу жамоанинг ходими Шарип Мусаевич МУСАЕВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайгу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улўбек туман Соғлиқни сақлаш бўлими ва туман тиббиёт жамоаси Тошкент шаҳар Физיותרапия поликлиникасининг бош шифокори К.Т.Расулова ва ўғлидош Зайнулло Сайдахмедович САЙДАЛЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Жамгарма банки бошқармаси ва Мирзо Улўбек тумани 3628-сонли Жамгарма банк бўлими жамоалари шу банк бошқарувчиси А.С.Шораймовага онаси Норкол АШИРОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

**ФУТБОЛ ФУТБОЛ ФУТБОЛ ФУТБОЛ**

**Муассис:**  
**ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМАЛИГИ**

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга оллинг. Рўйхат сони ~ 10.

**Манзил:**  
700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

**Телефонлар:**  
хатлар ~ 33-29-70; эъло ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

**Эълонлар ва буюртмаларни қабул қилиш ва тайёрлаш учун жавобгарлик чарфи берган ташкилот ва шакллар ушбу мақсаддадир.**

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларда почта бўлимидаги ёки «Тошкент почтаси» шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қозғоғ бичими А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва сахраниланди. Нашр курсатқочы - 64690.

**«Шарк» нашриёт-матбаа кўшарини**  
вотсазонаси. Қорғона манзили:  
«Буёқ Шўрон» кўчаси, 11-уй.